

СПОРТ ТУРИЗМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.

*Turan International University Sirtqi ta‘lim departamenti direktori
(PhD)M.Azizov*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12741811>

Аннотация: Ушбу мақолада спорт туризми жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни такомиллаштиришнинг педагогик асослари ёритилган

Калим сўзлар: туризм, камолот, ижодий туризм, халқ анъанавий спорти, тана шаклининг ўзгариши, ижтимоий воқелик, атроф-муҳит

Аннотация: В данной статье рассматриваются педагогические основы повышения экологической культуры студентов в процессе спортивного туризма.

Ключевые слова: туризм, совершенство, творческий туризм, народный традиционный спорт, изменение формы тела, социальная реальность, окружающая среда.

Annotation: This article discusses the pedagogical foundations of improving the ecological culture of students in the process of sports tourism.

Keywords: tourism, perfection, creative tourism, folk traditional sports, body shape change, social reality, environment.

Узлуксиз таълим-тарбия жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш муаммоси энг мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Жамиятда шахс камолоти албатта таълим-тарбия натижасида юзага келади. Педагогик нуқтаи назардан қараганда, камолот тушунчаси инсондаги ақлий, ахлоқий, эстетик, экологик, жисмоний тарбия йўналишларини ўз ичига камраб олган, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, номукамалликдан мукамалликка томон бўлган ўзгаришлар тушунилади.[5]

Ўқувчиларнинг ватанпарварлик рўҳида жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишларида дарсдан ташқари вақтларда спорт туризмларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Педагогикада спорт туризмни икки катта гуруҳга бўлиш жуда кенг тарқалган: ижодий туризм ва қоидали туризм.[4]

Ижодий туризмларнинг мазмунини ўқувчиларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таъсуротларини атроф-муҳит ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.

Қоидали туризмларда қоидалар яратилади ва ўқувчи ҳаётига киритилади. Туризм мазмуни қоидаларнинг мураккаблигига қараб, улар турли ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали туризмларнинг катта гуруҳини оддий туризмлар ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан-авлодга ўтиб бизгача етиб келган. Фенологик кузатиш, геологик қидирув, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини, табиатни, гул сайли ҳамда турларини ўрганиш шулар жумласидандир.

Ўз навбатида туризмларнинг ҳар иккала гуруҳи ҳам ўзининг хилма-хил кўринишларига эга. Ижодий туризмлар гуруҳи мазмунини ўйинлар ташкил этади. Бу туризмларда ўқувчилар атроф-муҳит ҳақидаги ўз таъсуротларини ўзига хос тарзда акс эттирадилар. Фикримизча, жисмоний тарбия дарсларида ўйинлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъсир кўрсатишига кўра шартли равишда дидактик ўйинлар (зув-зув, чиллак ўйини, кўпкари, нишонга олиш, чўчка ови, каклик ови, бўри ови, кийик ови)га бўлинади. Спорт туризмлари аввало болаларнинг ақлий фаолияти ривожланади, улар билимлари чуқурлашади ва кенгаяди; туризмлар (“Кун ва тун”, “Қурбақа билан лайлак”, “Мушук”, “Нина, ип ва тугунча”, “Кузатувчилар”, “Инсиз куён” ва бошқалар)да болаларнинг турли ҳаракатлари такомиллашади; мусиқали юришларда эстетик, ақлий қобилиятлари ривожланади.[2]

Ҳар бир туризмларнинг ўзига хос сифатлари мавжуд, бироқ улар қатор умумий хусусиятларга эга.

Туризмлар 7-синф ўқувчилари учун асосий машғулот туридир. Шундай экан, барча фаолиятда бўлгани каби унга ҳам қатор хислатлар: мақсад ва мазмуннинг узвийлиги, сабаблар, амалга ошириш воситаларининг режали ҳаракатлар, натижасининг мавжудлиги кабилар ҳосдир.

Ҳар қандай кўринишдаги туризмлар тушуниб олинган ва мақсадга қаратилган фаолият тарзида кечади. Ҳар бир ҳаракатда бола учун аҳамиятли бўлган мақсад мавжуд: қувлашмачоқ ўйнаётганда ўйин қатнашчисига қўл теккизиш, “қопқондан” қутилиш, бунда атроф-муҳитга салбий таъсир этмаслик керак (бақириш, ўсимликларни пайҳон қилмаслик, атроф-муҳитга зарар етказмаслик).

Спорт туризмлари жараёнига боланинг бутун шахсияти: унинг психикаси, билиш жараёнлари, иродаси, ҳиссиёти ва таъсирчанлиги, эҳтиёж ва қизиқишлари жалб этилади, бунда бола фаол ҳаракат қилади. Эҳтиёт, зийрак ва кузатувчан бўлади. Ўз билимларини амалиётда қўллайди. Ҳақиқатдан ҳам туризмлар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида сабабларнинг ўзига хослиги асосий ҳисобланади.

Туризм маълум бир йўналишда ўтказиладиган, қатъийлик талаб этадиган спорт йўналиши.

Туризм– бу болаларнинг шахсий ташаббусига кўра вужудга келадиган, ўзининг фаол ижодий йўсиндаги, юксак таъсирчанлик руҳи билан ажралиб турадиган эркин ва мустақил фаолият бўлиб, куч-қувват, ғайрат, зийракликни талаб этади. Энг муҳими болада ишонч бўлиши керак. Болаларнинг юриш ва саёҳат жараёнидаги эркинлиги ва мустақиллигига алоҳида аҳамият қаратилиши лозим.

Ўқувчи спорт туризми жараёнлари эҳтиёжларга қарам бўлмайди: у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқади. Бола саёҳатдан

завқ олиш мақсадида “воқеликнинг унинг учун аҳамиятли бўлган томонларини бошдан кечиради, туризмнинг асосий сабаби, болани атроф-муҳитга бўлган муносабати. Демак, саёҳат фаолиятининг эркин табиати гарчи унда меҳнат билан кўпгина ўхшашликлар бўлсада, жамият ҳаётида тутган алоҳида ўрни билан белгиланади.

Спорт туризми ижтимоий мақсадларга бевосита дахлдор бўлмайди, бироқ уларга билвосита муносабатда бўлади: саёҳат кишини асқотадиган жисмоний руҳий бардошга ўргатади. Шундай экан, саёҳатларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни туфайли катталарнинг саёҳатга, меҳнатга, болалар таълимига бўлган муносабати ҳам турлича бўлади. Спорт туризми болалар таълими учун ҳаётини зарур нарса, чунки улар бевосита ёш авлоднинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришларига йўналтирилгандир. Шунинг учун таълим ва меҳнат мазмуни, уни ташкил этиш усуллари, натижалари катталар томонидан ҳар томонлама белгиланиб ва назорат қилиб турилади. Шу боис спорт туризми қатъий қоидага амал қилмайди у болаларнинг табиат, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятидир. Бироқ, унинг болага кўрсатадиган улкан таъсирини ҳисобга олган ҳолда катталар болалар спорт туризмига раҳбарлик қиладилар, спорт туризмнинг вужудга келиши ва ривожланишига шароит яратадилар. Катталар, спорт туризми жараёнида учрайдиган барча ҳодисаларни олдиндан билиши зарур.

7-синф ўқувчисининг спорт туризмидаги эркинлиги ва мустақиллиги қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: а) туризм ёки унинг мазмунини танлашда; б) бошқа болалар билан ихтиёрий бирлашишда; в) саёҳатга кириш ва чиқишнинг ихтиёрийлигида: Турли кўринишдаги спорт туризмида 7-синф ўқувчисининг эркинлиги ва мустақиллиги турлича намоён бўлади. Бироқ туризм учун “субъектив жиҳатдан мутлақ ҳақиқат” ва ҳеч қандай ташқи зарурат билан келиша олмайди.

Ўқувчиларнинг спорт туризмга иштиёқи, туризмнинг болага улкан таъсири билан боғлиқдир: “Ўқувчилар учун туризм воқелик бўлганда ҳам уни ўраб турган нарсалардан кўра жуда қизиқарли воқелиқдир. У ўқувчи учун тушунарли бўлгани туфайли ҳам қизиқарлидир; туризм болага шунинг учун ҳам тушунарлики, у боланинг ўзи яратган машғулотдир... Ҳақиқий ҳаётда бола болалигича қолади, у ҳеч қанақа мустақилликка эга бўлмаган норасида. Ҳаёт оқимида кўр-кўрона ва беташвиш сузаётган бола, туризм жараёнида эса бола бошқача одам, у энди камол топаётган, ўз кучини синаб кўра оладиган ва ўзи яратган нарсани мустақил идора эга оладиган инсон. Туризм бола ҳаётидаги ижтимоий воқелиқ. “Болани туризмга мажбуран чорламаслик лозим. Мажбуран туризмга чиқиб бўлмайди.

Туризм учун саёҳатчиларнинг ўз ҳаракатлари, ва феъл-атворларини ўзлари бошқара олишлари хосдир. Туризмга чиқадиган болалар муайян талаб ва қоидалар билан бошқарилиб турилади.

Турли кўринишдаги туризмда қоидалар ҳам турлича бўлади. Бунга мисол тариқасида “Қопқон”, “Айиқ полвон боғида”, “Бўри зовур ичида”, “Чумчуқлар”, “Оқ айиқлар ови” кабиларни келтириш мумкин. Ўқувчиларнинг у ёки бу вазиятдаги ҳаракати мантиқга мувофиқ тарзда вужудга келади.

Туризм қоидалари ҳаракатларнинг табиати ва изчиллиги, саёҳатчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайди.

Қоидаларнинг хилма-хил бўлишига қарамай саёҳатчилар барча ҳолларда уларни туризм манфаатларига бўйсунган ҳолда уларни ихтиёрий, онгли тарзда бажарадилар, чунки қоидаларнинг бузилиши туризмни фожеали тугашига олиб келади. Ўқувчилар туризмда кундалик ҳаётдаги талабларни бажаришга қараганда туризм қоидаларини бажаришга бирмунча тоқат, диққат, барқарорлик, чидамлилик кўрсатадилар. Демак, туризмлар орқали ўқувчида қатор ижобий фазилатлар шаклланадики, талаблар асосида

баркамол инсонни камол топтириш ғоясига ҳамоҳанг равишда кечади. Шу билан бир қаторда махсус усул ва техника асосида ўқувчиларнинг соғликларини, ҳар бир индивидуал шахс камолоти савиясини тадқиқ этиш: белгиланган меъёр ва ундан узоқлашиш кўрсаткичларини олдиндан белгилаш негизида тарбия учун доимий кўрсаткич аниқланади, етуклик-гармония, гўзаллик шакли, сифатларнинг юқори даражадаги камолотига эришилади. Спорт туризмлари жараёнида 7- синф ўқувчиларининг умумий маданият даражаси шаклланиб, экологик тарбиянинг таркибий қисмини амалга оширишга имконият яратилади. Чунки экологик маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми сифатида қаралар экан, у спорт ишлари ёки оддий шўьбалар, клублар, гуруҳлар ёки оммавий саёҳатлар, экомарафонларда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Узлуксиз экологик таълим концепцияси. // «Халқ таълими». 1999, 5-сон. 55-70 б.
2. Турдиқулов Э.О. "Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти". Т. Фан, 2005.
3. Раҳимқулов К. Миллий ҳаракатли ўйинлар. Ўқув қўлланма. Т. – 2007 й.
4. Azizov M.A. Pedagogical conditions for the formation of a culture of preserving nature of students during travel. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Vol. 2 No. 5, May 2021.
5. Azizov M.A. Sport turizmi jarayonida ekologik madaniyatning ahamiyati. Zamonauiy taъlimda raқamli texnologiyalar: filologiya va pedagogika soҳasidaги zamonauiy tendentsiyalar va rivojlaniш omillari. 84 б.
6. Азизов М.А. Ўқувчиларга спорт туризми орқали эоаҳлоқий тарбия бериш мазмуни. INTERNATIONALES DEUTSCHES AKADEMIKA AACHENER 2021. 26 б.

7. Азизов М.А. Ўқувчиларга спорт туризми жараёнида табиатни асраш маданиятини шакллантириш. International conference Innovative research of the xxi century science and education. 14 б.

